



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 28 март, № 59 (7289) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОҚ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминламасдан туриб иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг sanoat салохиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши рағбатлантириши, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришиб бўлмайди.

Замонавий шaroитларда электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаш таъминлаш бўлади.

Электр энергетика тармоғини ислоқ қилиш бўйича вазибаларнинг амалий ижросини таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохлар концепциясида белгиланган вазибаларни бажариш мақсадида:

1. Жаҳон банкнинг республика электр энергетика тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги, шу жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириши назарда тутувчи таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг электр энергияни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, тақсимлаш ва сотиш ташкил этишининг зamonaviy услублари мувофиқ, қуйидагилар орқали “Ўзбекэнерго” АЖни қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маълумлансин:

а) иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқаруви **“Иссиқлик электр станциялари”** акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

б) “Ўзбекэнерго” АЖнинг тугатилмаган “Узлектртармок” УК ва “Энергосотсиш” филиали негизда қуйидагиларни амалга оширувчи **“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари”** акциядорлик жамиятини ташкил этиш:

- республиканинг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;
- электр энергияни республиканинг магистрал электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатларaro транзитни амалга ошириш;
- электр энергияни экспорт ва импорт қилиш, шунингдек, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш;
- электр энергияни ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хусусий капитал иштирокидаги корхоналарни, шунингдек, магистрал ва ҳудудий электр тармоқларини ягона оператив-диспетчерлик бошқариш;
- электр энергияни ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хусусий капитал иштирокидаги корхоналардан электр энергиясини ягона харид қилувчи функциясини бажариш, шунингдек, электр энергияни ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш;
- электр энергияни якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи **“Ҳудудий электр тармоқлари”** акциядорлик жамиятини ташкил этиш;
- “Ўзбекэнерго” АЖ таркибига кирувчи айрим ҳўжалик жамиятлари ҳамда корхоналарини 1-иловага мувофиқ қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- “Ўзбекэнерго” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг соҳага оид бўлмаган ва фойдаланилмаган активлари ва улшларини 2-иловага мувофиқ уларни кейинчалик 2019 — 2021 йиллар давомида белгиланган тартибда сотиш мақсадида баланс қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

яни ташкил этилаётган “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларининг дастлабки устав капиталларини шакллантириш 3 — 5-иловаларда кўрсатилган ҳўжалик жамиятлари устав капиталлидаги давлат ва “Ўзбекэнерго” АЖ активлари ва улшларини бериш ҳисобига амалга оширилади;

“Ўзбекэнерго” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг 2-иловада кўрсатилган активлари ва улшларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш баланс қиймати бўйича давлат ва “Ўзбекэнерго” АЖ улшини қамайтириш ҳисобига амалга оширилади;

активлар, акциялар пакетлари ва улшлар янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятларига уларнинг устав капиталлида давлат улшини шакллантириш (ошириш) ҳисобига берилади;

“Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари устав капиталларидаги давлат акциялари пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади.

(Давом 2-бетда).

ЯНГИ ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯ

ТАЪМИНОТДАГИ МУАММОЛАРГА БАРҲАМ БЕРАДИ

“Туябўғиз” сув омбори қошидаги кичик гидроэлектр станция фойдаланишга топширилди. У мустақиллик йилларида мамлакатимиз гидроэнергетика соҳасида бунёд этилган биринчи иншоот эканлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумотларга қараганда, охириги ўн йилда юртимиз аҳолисининг электр энергияга бўлган талаби қарийб ўн баробар ошди. Бироқ мавжуд қувватларнинг техник жиҳатдан эскиргани, хусусан, сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланилмагани оқибатида электр токига ортиб бораётган эҳтиёжни узлуксиз таъминлашда муаммолар юзага келаётган эди.

Бунёдкорлик

Ана шундай мураккаб бир пайтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Ўзбекгидро-энерго” акциядорлик жамияти ташкил этилиб, унинг зиммасига тизимда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, янги ГЭСлар бунёд этиш, мавжудларини модернизация қилиш вазифаси юклатилди. Бу эса арзон, экологик тоза энергия олиш сари ташланган муҳим кадам бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2017 йил 26 майдаги “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт энергия ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 42 та янги ГЭС қуриш белгиланган. Бунинг ҳисобига 2025 йилга қадар экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажминини 1,7 баробар ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига арзон электр етказиб бериш кўзда тутилган. Атиги ўн тўрт ой ичида қуриб битказилган “Туябўғиз” кичик гидро-электр станциясини тизимдаги инновацион лойиҳалардан биридир.



— Илгари бундай иншоотни барпо этиш учун камида уч йил вақт сарфланар эди, — дейди фахрий энергетик Акрам Иргашев. — Маънавий лойиҳачилар, моҳир қурувчилар меҳнати билан мана шундай зamonaviy объект жуда қисқа вақт ичида фойдаланишга топширилди. Қолаверса, у қулай ва кўркам мезморий ечим, техник имкониятнинг юқорилиги, бошқаруви автоматлаштирилгани билан турдошларидан тубдан фарқланади. Ўзбекистонда гидроэнергетика шу каби илҳам ва самарали ГЭС ҳисобига ривожлантирилаётгани атроф-муҳит учун мутлақо безарар, арзон электр токи ишлаб чиқаришда янги имкониятларни очиб беради.



Лойиҳа қиймати 15,8 миллион АҚШ доллари тенг бўлиб, шундан 8,1 миллион доллари Хитой Халқ Республикаси “Эксимбанк”и томонидан молиялаштирилди. Маблағнинг 9,5 миллион доллари асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтирилган бўлса, қолган қисми қурилиш-монтаж ишларига сарфланди. Натижада пудратчи — “То’palang HPD Irrigation Systems” унитар корхонаси томонидан 92,2 минг куб метр тупроқ, 14,5 минг куб метр бетон ишлари бажарилди. Умумий вазни 530 тонналик энг зamonaviy ускуналар

ги энг йирик суб’ектлардан бири ҳисобланади, — дейди мазкур компания президенти Ло Чжиган. — Юртингизда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, чет эллик ҳамкорларга яратиб берилмаётган қулай шарт-шaroитлар ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамламоқда.

828 МЕТРЛИК ИНШООТ ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ РАНГЛАРИГА БУРКАНДИ



Фахр

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирикларига ташири шарафига дунёдаги энг баланд бино — Дубайдаги “Бурж ал-Халифа” ҳамда бошқа диққатга сазовор иншоотлар Ўзбекистон байроғи рангларига бурканди.

Таъкидлаш жоиз, Абу-Даби шаҳридаги “Қаср ал-Ватан” саройида Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирикларига расмий делегацияларнинг кенг ҳамда тор доирада бўлиб ўтган музокаралида инвестициялар, молия, муқobil энергетика, sanoat ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги, божхона маъмуриятчилиги, маданият ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортик бўлган келишувларга эришилди.

Дубай фаҳри саналган “Бурж ал-Халифа” биносининг баландлиги 828 метр бўлиб, у 163 қаватдан иборат. Иморат 2010 йилда фойдаланишга топширилган.

«Халқ сўзи».



АҚШ Меҳнат департаменти: ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ БОЛАЛАР МЕҲНАТИ МАҲСУЛИ ЭМАС

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси хабарига кўра, АҚШ Меҳнат департаменти 2019 йил 25 март куни Ўзбекистон пахтасини мажбурий ёки болалар меҳнати воситасида етиштирилган маҳсулотлар “қора рўйхати”дан чиқарди.

Маълумки, 2010 йилдаги тегишли ижро буйруғига асосан, АҚШ давлат идораларига Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ёки болалар меҳнатида фойдаланилган ҳолда етиштирилган пахтани харид қилиш тақиқланган эди.

Эътироф

Ўтган йил июль ойи сўнгидан бошлаб, АҚШ ташаббуси билан мазкур масала бўйича очiq жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди. АҚШ Меҳнат департаменти маълумотига қараганда, ушбу жараёнда ҳуқуқий ҳимоя қилиш ташкилотлари, жумладан, “Cotton Campaign” халқаро коалицияси ва Халқаро меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш форуми (ILRF) мутасаддилари фикрлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг Вашингтондаги дипломатик миссияси расмий изоҳлари таҳлил қилиб чиқилди.

АҚШ идораси болалар меҳнатини бартараф этиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилгани, бу борада текширишлар олиб бориш ва ҳуқуқбузарларни суд орқали жазолаш самарадорлиги ортганини таъкидлаб ўтган. Ўз навбатида, ўтган йиллардаги фарқли равишда текширувлар фуқаролар фаолиятини томонидан аниқланган фактлар бўйича олиб борилганига урғу берилган.

Қарорда давлат меҳнат инспекциясининг ўзаро алоқа механизми, “Ишонч телефони” тизими, жойларда Президентнинг Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳузуридаги юридик клиникалар фаолияти муваффақиятлий жорий қилингани ҳам эътироф қилинган. Зеро, булар меҳнатқашларнинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни самарали аниқлаш ва уларга чора кўриш имконини берилади.

Департамент олинган мавжуд маълумотларни батафсил ўрганиб чиққач, Ўзбекистондаги пахта ҳосилини етиштиришда болаларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга чек қўйилганини билдирган. “Натижада ушбу маҳсулотнинг ижро буйруғи рўйхатида қолишига асос йўқ”, дейилади АҚШ Меҳнат департаменти баёнотида.

Мазкур идоранинг Ўзбекистон пахтасини “қора рўйхат”дан чиқаришга оид қарори эса АҚШдаги барча давлат муассасаларига мазкур маҳсулотнинг унинг (товар болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмасдан ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги) сертификатини талаб этмасдан сотиб олишига айнаи мудоаодир.



ТАНҚИД ОСТИГА ОЛИНГАН МАСАЛАЛАРНИНГ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Сенатининг ўтган йил охирида бўлиб ўтган ўн еттинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларига оид айрим масалалар кўтарилди, тегишли тарзда танқид остига олинган эди.

Парламент ҳаёти

Жумладан, Сенат Раиси Н. Йўлдошев маърузасида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг ижросига сусткашлик билан қараш, маъмурий қамқоқ олинган шахсларни сақлаш учун муължалланган маҳсул қабулхоналар биноларини қуриш ва реконструкция қилиш борасидаги

бир қатор амалий ишлар йўлга қўйилди.

Қонун янги таҳрирда қабул қилинади

Давлат тили, унга эътибор ва бу борадаги қонунчилик устидан парламентнинг самарали назоратини амалга ошириш борасида муайян чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўтган йил 24 декабрда “Давлат тили

ҳақида”ги Қонуннинг ижро этилишини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унга кўра, жорий йил март ойи якунига қадар Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан назорат олиб борувчи махсус инспекция тузилиб, бу борада аниқ вазифа ва вазокатларини белгилашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлаш назарда тутилган.



ҲАДИС ИЛМИ МАКТАБИГА ЗАМОНАВИЙ АВТОБУС ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон тараққийотининг янги босқичида диний-маърифий соҳани тубдан такомиллаштириш, ислом цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз илмий меросини тадқиқ этиш, улар хоки қўним топган манзилларни обод қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Президент ташрифидан сўнг

Сўнгги икки йил давомида ушбу йўналишда жаҳон ҳамжамиятининг эътирофи, халқимизнинг эътибори ва эҳтиромига сабаб бўлган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом

академияси, Ҳадис илми мактаби ташкил этилди. Мақсад — диний ва дунёвий илмларни чуқур ўзлаштирган, бу гун замон олдимизга қўяётган долзарб масалаларни ечишга қодир малакали кадрлар тайёрлаш, юртимизнинг илм-маърифат маркази сифатида тарихий макомини қайта тиклаш ва янада ривожлантиришдан иборат.



Маънавият

Гулистоннинг "Юрт байроғи" майдонида "Ўзим ўқиган мактабга — менинг китоб тўхфам" тадбири бўлиб ўтди. Унинг доирасида ҳудуддаги давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ўзлари таълим олган мактабларга совға сифатида китоб жўнатишди.

«Ўзим ўқиган мактабга — менинг китоб тўхфам»

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, мазкур тадбиркорлик субъекти раҳбари она тили ва адабиёт ўқитувчиси Гавҳар Хусанова бўлиб, у айни чоғда китобхонлик борасида кўпчиликка намуна кўрсатаётган оила бекаси ҳамдир. Хусусан, кизи Райхона «Ёш китобхон» кўрик-танловининг ўтган йилги Сирдарё вилояти босқичида учинчи ўринни эгаллади.

ҳам мумкин. Кутубхона ва 5 та нашриёт билан тузилган шартнома эса зиё масканини янги адабиётлар билан ўз вақтида таъминлаш имкониятини беради. Шу билан бирга, МЧЖ томонидан ҳадемай китоб дўкони очиб ҳам мўлжалланмоқда. Қолаверса, Сайхунбод қишлоқ хўжалиги касбхона шартномада асосан ҳудудлардаги мактабларга 250 дона турли адабиётлар тўхта қилинди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»)

ТАНҚИД ОСТИГА ОЛИНГАН МАСАЛАЛАРНИНГ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?



Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан "Давлат тили ҳақида"ги янги тахрирдаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозир тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда. 2019 йил якунига қадар "Реформа тўғрисида" ҳамда "Фирма номлари тўғрисида"ги қонунларни тақомиллаштириш мўлжалланган.

раларини қучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимча киритиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 13 март куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама-си порталига жойлаштирилган.

Наманган, Жиззах ва Фарғонада ишлар якунланган

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар биноларини қуриш ва реконструкция қилиш борасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 24,73 млрд. сўм ажратилган. Бугунги кунда махсус қабулхоналар биноларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари Наманган, Жиззах ва Фарғона вилоятларида якунланган.

олинган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, махсус қабулхоналарда хизмат олиб борувчи ички ишлар органлари ходимларининг сони танқидий қайта кўриб чиқилиб, қўшимча 422 та штат бирлиги ажратиш юзасидан Президент Администрациясига тақлиф киритилди.

Вазифалар аниқ, лекин...

Психиатрия муассасаларида беморларни даволаш ва парварлаш йўналишида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича ишлар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш вазифалари Президентимизнинг 2019 йил 13 февралдаги "2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида тўлиқ акс эттирилган.

Бундан ташқари, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган кундузги стационарларга озиқ-овқат таъминоти учун бюджет маблағларини ажратиш бўйича ҳам аниқ тақлифлар ўртага ташланяпти. Аммо ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида вазифалар аниқ белгилаб берилишига қарамастан, айрим ҳолларда уларнинг ижросини таъминлашга сусткашлик билан қаралаётгани ҳам бор гап. Бу борада илҳомини таъминлашга ҳам эътибор қаратилиши керак.

Қатъий парламент назорати ўрнатилди

2018 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз муддатида тўлиқ бажарилмаганидан келиб чиқиб, энг асосийси, бу борада қатъий парламент назоратини таъминлаш мақсадида Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан тегишли қарор қабул қилинди. Дастур ижроси Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тўлиқ таъминлан-

маганига эътибор қаратилди. Шундан келиб чиқиб, мутасадди ташкилотлар фаолиятига танқидий баҳо бериш, бу борада сусткашликка йўл қўйган масъул раҳбарларни интизомий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

Ўтган йили кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ривожлантириш дастурини ўз вақтида бажармаганилари учун Арнасой, Бухоро, Гулистон, Қонгон, Қоровулбозор ва Фаллаорол туманлари кенгашилари раислари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Шунингдек, дастур ижросини таъминлашда масъулиятсизлиги учун Бухоро, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашилари раислари огоҳлантирилди.

Йўл қўйилган камчиликларнинг келгусида тақорланмаслиги учун 2019 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ривожлантириш дастури ижросини мунтазам мониторинг қилиб бориш орқали ҳар бир лойиҳанинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш вазифалари белгиланди.

Хулоса ўрнида айтганда, йўл қўйилган муаммолар юзасидан парламент назорати ўрнатилди. Уларнинг оқилона ҳамда самарали ечими юртимизнинг илҳом тарқибига ва барқамол авлод тарбияси, энг муҳими, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг тўлақонли таъминоти ташкил чамбарчас боғлиқдир.

Мунисхон ҚАРИМОВА («Халқ сўзи»)

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРНЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

2018/2019 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни Ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга қўмақлашиш тўғрисидаги шартномалари асосида иш жойларига тақсимлаш жараёни бошланганини маълум қилади.

Институтнинг замонавий билимларни мукамал ўзлаштириш битирувчи бакалавр ва магистратура мутахассислиги талабаларига эҳтиёжи бор корхона раҳбарларидан битирувчиларга келгусидаги иш жойини танлашда қўмақлашиш мақсадида уларга яратиб берилиши мумкин бўлган имкониятлар (маош, тураржой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида институт раҳбариятига жорий йилнинг 8 апрелига қадар талабнома ҳамда сўров хати билан мурожаат қилишни сўраймиш. Битирувчилар билан бевосита суҳбат ўтказиш, ишга танлаб олиш ҳамда шартномалар расмийлаштириш учун 2019 йил 12 апрель куни соат 10.00 дан 17.00 гача институтда ўтказиладиган «Карьера куни» тадбирларига тақлиф этамиш.

Институтда таълим олган бакалавр ва магистрлар мамлакатимиз аграр ва сув хўжалиги соҳасида қўлланиб келаётган замонавий техника ва технологиялар билан кенг таниш бўлиб, иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қилишда мукамал назарий ва амалий билимларга эга мутахассислар ҳисобланади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини 2018/2019 ўқув йилида битирувчи бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари тўғрисида маълумот

Table with columns: №, Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи, Битирувчилар сони, Коркалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сурхондарё вилояти, Сирдарё вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Хоразм вилояти, Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри. Sections: БАКАЛАВРИАТ, МАГИСТРАТУРА.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

қуйидаги объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун танлов эълон қилади

«Давлат экология қўмитасининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 7-«А» уй манзилидаги маъмурий биносини реконструкция қилиш».

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш бўйича дирекцияси.

Молиялаштириш манбаси: ўз маблағлари ҳисобидан.

Танлов предмети: лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Лойиҳа ишлари баҳоси: 10 000 000 сўм.

Танлов ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 7-«А» уй.

Танлов иштирокчиларига қўйилган талаблар: танловда Ўзбекистон Республикасида юқоридаги хизматларни кўрсатиши ман этилмаган ҳамда кўрсатилган талабларни бажарадиган мамлакатимиз ва хорижий юридик шахслар иштирок этишлари мумкин. Танлов тақлифини таъминлаш суммаси ва уни киритиш тартиби ҳужжатларда акс эттирилган.

Танловнинг ишчи органи: Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Мурожаат учун масъул шахс: Ёқубжон Абдужабборов, тел.: 97-490-05-76.

E-mail: UKS-GOSKOMGEOLOGIA@exat.uz

Танловда иштирок этиш учун талабнома шакли ва танлов ҳужжатлари бўйича маълумотлар танлов ҳужжатларида келтирилган.

Тақлифларни топширишнинг сўнгги санаси ва вақти: 2019 йил, 8 апрель, соат 17.00.

Тақлифларни тайёрлаб топшириш бўйича талаблар:

- танлов иштирокчиси фақат биттагина тақлиф киритиши мумкин;
— танлов тақлифи буқланган жойлари елимланган ҳолда ёпиқ конвертда топширилиши лозим;
— танлов тақлифи кирган барча ҳужжатлар рус тилида топширилиши керак;
— танлов тақлифлари қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 7-«А» уй.

Танлов тақлифларини қабул қилиш учун масъул шахс — Ёқубжон Абдужабборов, тел.: 97-490-05-76.

Танлов тақлифларини очиб қўриш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиши 2019 йил 8 апрель куни бўлиб ўтади.

Танлов

Термиз шаҳрида шу йилнинг 5 — 10 апрель кунлари бўлиб ўтадиган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик ишлари қизгин кечмоқда.

Достонлар гўзал фазилатларни шакллантиради

Жумладан, ушбу нуфузли тадбир олдидан Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда вилоят маданият бошқармаси ҳамкорлигида "Бахши-шоирлар" курик-танови ўтказилди. Унда 5 ёшдан 50 ёшгача бўлган ижодкорлар қатнашди.

Хар бир халқнинг қадим тарихи ва маданиятини ўрганишда халқ оғзаки ижоди намуналари муҳим манбадир. — дейди Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Фирдавс Шарипов. — Чунончи, фольклор санъати, достон ва эпосларда миллиятнинг миллий ўзлиги, қадрият ҳамда анъаналари ўз ифодасини топади. Юртимизда илк марта баъзи ташкил этилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш, уни кенг тарғиб қилиш баробарида, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида камолга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Танловда голиблар дипломи ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, "Энг ёш бахши", "Бахшичилик санъати тарғиботчиси", "Муҳлислар эътирофига сазовор иштирокчи", "Энг яхши чолғучи" ва бошқа номинациялар бўйича рағбатлантирувчи урин соҳиблари сараланди.

Илхом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

ДУНЁГА МАШХУР РЕАЛИТИ-ШОУ ВАКИЛЛАРИ НИМА УЧУН ЎЗБЕКISTONГА ТАШРИФ БУЮРДИ?

Шу кунларда Буюк Британиянинг "BBC Channel Two" телеканали орқали машхур "Race across the World" реалити-шоуси эфирга узатилмоқда. Мазкур лойиҳада оддий одамлардан иборат жамоалар иштирок этади. Телелойиҳа шартига кўра, улар Лондондан Сингапурга энг тез етиб бориш бўйича беллашишмоқда.

Таассурот

Бунинг учун жамоаларга ўта чекланган миқдорда маблағ берилди. Улар Лондон — Сингапур йўналиши бўйича авиачипта нархига етадиган пул билан самолёт, интернет ва телефон каби алоқа воситаларидан фойдаланмаган ҳолда ўз манзилларига етиб боришлари керак. Яқинда йирик медиа-лоийиҳанинг учинчи қисми эфир юзини кўрди. Унда 4 жамоа Озарбайжон пойтахти Бокудан Тошкент томон йўлга чиқишгани ҳақида хикоя қилинади.

...Мана, иштирокчилар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Каспий денгизи, божхона-назорат постлари, Буюк Ипақ йўли ёқасидаги бепоён чўллар, баланд тоғлар ва қадимий шаҳарларни ортада қолдирган ҳолда Ўзбекистонга етиб келдилар.

Меҳмонлар Бухоро, Самарқанд, Хива, Қорақалъапогистон Республикаси каби тарихий ва туристик



салохиятга эга ҳудудлар билан яқиндан танишиди. Орол денгизига бориб, "Кемалар қабристони"га гувоҳ бўлишди.

Сўнгра жамоалардан бири Самарқанддаги Улугбек расадхонаси ва музейга таширф буюрди. Уларга буюк астроном ва математик олим Мирзо Улуғбекнинг илм-фан равнақига кўшган ҳиссаси, хусусан, у томонидан XV асрда тузилган юлдузлар жадвали ҳақида батафсил маълумот берилди. Бошқа жамоалар эса қадимий қадрият — кўпқари-улоқ мусобақасини томоша қилдилар, туяларга миниб, чўл кездилар. Қизилқум саҳросидаги ўтовларда тунаб қолишди. Маҳаллий аҳолининг қунда-

лик ҳаёти билан танишди. Ниҳоят, реалити-шоу қатнашчилари бетақроп Тошкентга етиб келди. Мустиқиллик майдонига боришди. Тошкент метрополитенидан фойдаланишди. Амир Темурут хиббони бўйлаб сайр қилдилар. Бу ернинг аjoyиб манзаралари уларда Ўзбекистонга яна саёхат қилиш истагини уйғотгани, шубҳасиз.

Эътиборлиси, шоунинг бу қисмидаги асосий шарт — Тошкентдаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасида биринчи бўлиб рўйхатдан ўтиш эди. Бунга кеч қолган охириги жамоа ўйинини тарк этиб, Англияга қайтиб кетди.

Кўрсатув ташкилотчилари берган маълумотларга кўра, ҳозиргача иштирокчилар куруқлик ва сув бўйлаб 5000 км.дан ортиқ масофани босиб ўтишган. Лондон — Сингапур йўналишидаги кейинги марра эса Хитойнинг шарқдаги Хуангай шаҳри этиб белгиланган. "Race across the World" реалити-шоуси вакиллари яқинда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси кўмағида ташкил этилган мазкур саёхати уларда унутилмас таассурот қолдирди.

С. ҚОСИМЖОНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ҚЎШИНЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ШАЙЛИГИ

ФАВҚУЛОДДА ТЕКШИРУВДА АНИҚЛАНДИ

26 март куни эрта тонгдан мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Куролли Кучлар Бош штаби бошлиғи Фармоийшига кўра, Жануби-Фарбий махсус ҳарбий округнинг барча ҳарбий бўлинмалари юқори жанговар шайлик ҳолатига келтирилди.

Тайёргарлик

Мудофаа вазирлиги матбуот хизматида маълум қилишларича, қўшинларнинг жанговар шайлиги ва жипслигини таҳлил этиш ҳамда баҳолаш, ҳарбий қисмлар, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг ўқув-жанговар ва зифаларни бажара олишга тайёргарлигини назоратдан ўтказишга қаратилган бундай ўқув синовлари Куролли Кучлар Бош штаби томонидан вазирлик бўлинмаларида босқичмас босқич ташкил қилинмоқда. Жануби-Фарбий махсус



ҳарбий округ ҳарбий бўлинмаларининг ўқув машқлари жорий йилнинг 29 мартга қадар Қашқадарё вилоятидаги "Муборак" ва "Нуристон" полигонларида, шунингдек, ҳарбий округнинг бошқа ҳудудларида бўлиб ўтади. Тўсатдан текширувнинг биринчи куни юқори жанговар шайлик ҳолатига келтирилган бўлинмаларнинг ҳудуд бўлинмаларининг ҳудуд бўлинмалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Синов давомида асосий эътибор бўлинмалар билан узлуқсиз ва доимий бошқарувни ташкил этишга қаратилляпти. Хавфсизлик талаблари, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг соҳа ҳамда шайлигига қатъий риоя қилинмоқда. Ушбу тадбирларда иштирок этаётган ҳарбий хизматчиларнинг барқарор ахлоқий-руҳий ҳолати қўйлаётган ўқув-жанговар ва зифаларни сифатли бажаришга имкон яратёттир.

Мажмуавий текширув-

таркиби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларининг ҳарбий авиацияси ёрдамида ҳаво орқали олиб ўтилиши таъминланди. Қолган бўлинмалар штатдаги ҳарбий техникаларда узоқ масофаларга марш уюштирди.

Мажмуавий текширув-таркиби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларининг ҳарбий авиацияси ёрдамида ҳаво орқали олиб ўтилиши таъминланди. Қолган бўлинмалар штатдаги ҳарбий техникаларда узоқ масофаларга марш уюштирди.

Спорт

АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Жиззах шаҳридаги "Сўғдиёна" марказий стадионида аёллар ўртасида футбол бўйича "Jizzakh women's cup — 2019" халқаро турнирининг сўнги босқичи бўлиб ўтди. Қизиқarli ва муросасиз кечган

баҳслар яқунларига кўра, 1-ўрин Қозоғистон Республикасининг "Биик-Казигурт" жамоасига, 2-ўрин Ўзбекистон аёллар олимпия термасининг "Ўзбекистон ОТМ" жамоасига ҳамда 3-ўрин Жиззах вилояти

аёлларининг "Сўғдиёна-W" жамоасига насиб этди. Соҳибдорларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Толибжон ЭРГАШЕВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таълиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2019 йил 29 апрель куни соат 11.00 да бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бошқаруви 2019 йил 18 мартдаги 27/4-сонли қарорига асосан, Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 0,89661 га., қурилиш ости майдони 1359,27 кв.м., фойдаланиш майдони 7189,81 кв.м. бўлган банк маъмурий биноси (ертўласи билан) қўйилган.

● **Бошлангич баҳоси — 20 960 576 000 сўм.**
Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулк аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдо 2019 йил 13 май куни соат 11.00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу кўчмас мулк билан «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Самарқанд вилояти филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтаининг иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига 1 (бир) кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Савдо ҳолибига савдо ўтган санадан бошлаб 10 (ўн) календарь куни мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш мuddати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Савдо ҳолиби ушбу кўчмас мулк жойлашган бинони Самарқанд шаҳрининг бош режасига асосан замонавий меҳмонхона сифатида қайта реконструкция қилиш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун жисмоний шахслар фуқаролик паспорти нусхаси, юридик шахслар эса жамият гувоҳномаси, низоми ва ваколатли шахснинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ҳамда ишончнома асосида ваколатли шахс қатнашган тақдирда, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончноманинг асл нусхасини тақдим қилдилар.

Савдонинг ўтказилиши, талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 2-қават. Телефон: 93-355-74-06. Web: realtgroup.uz, E-mail: info@realtgroup.uz

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети

Тошкент шаҳри, Амир Темурут шоҳқўчаси, 97-уйда жойлашган университет биносини қайта таъмирлаш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун пудратчи ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Барча керакли ҳужжат ва ахборотларни xarid.uz сайтдан олиш мумкин. Лот рақами 9045281. Шунингдек, тендер ҳужжатлари бўйича маълумотлар юзасидан Т. Алимовга мурожаат қилинг. Телефон: 71-238-74-00 (ички 505). E-mail: talimov2@wiut.uz Масыул шахс: У. Пармонов. Тел.: 71-244-12-17, 71-244-07-65. E-mail: tender_tash@bk.ru

Таклифлар 2019 йил 24 апрелгача, шанба, яқшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, 703-хона.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар, МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар, занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар, санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар

Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва саклаш учун мажмуалар, гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан таълиф этади.

Тел.: 93-555-00-95, 93-555-12-88, 71-291-68-94.

www.maz.by E-mail: maztashkent@mail.ru

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламанинг бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама**

бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 943 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юкляб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлаблар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериладими.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмутов томонидан сақлаб қўйилган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масуул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқуни — 00.05 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6